



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 4 июнь, № 109 (4519) Чоршанба

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

ишлаб чиқариш ривожидида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Чуст туманидаги "VIVATEKS" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари сифатлиги боис нафақат ички бозорга, балки хорижлик харидорларга манзур бўлмоқда.



Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Наतिжада бу корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган йили 940 минг АҚШ доллари қўйматидаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг дастлабки уч ойида бу кўрсаткич 370 минг АҚШ долларини ташкил этди. Айтиш жоизки, корхона маҳсулотларига, асосан, Россия ва Украина давлатларида эҳтиёж катта.

Бугунги кунда корхонада 300 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми ёшлардир. Чевар тикувчи Юлдуз Иброҳимова (суратда) ана шу ёшларнинг бири. Жамият бошлиғи Дилшоджон Исмаиловнинг айтишича, касаначиликни ривожлантириш мақсадида корхона томонидан хондонларда меҳнат қиладиган 20 нафар уй бекасига ҳам буюртмалар берилмоқда.

Айни пайтда корхона таъсисчилари қўшимча инвестиция олиб кириш тарафдоридир. Бу корхонада янги цех қуриш ва ишлаб чиқариш самардорлигини 1,5 баргача ошириш имконини беради. Муҳими, шу орқали яна қўшимча 700 та иш ўрни яратилади.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Қуввати ортмоқда

Юртимиздаги қўшма корхоналар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Шулардан бири Богот туманидаги «Kotton-tex» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидир. Бу ерда дастгоҳлар тўлиқ монтаж қилиб бўлинган, ойига 250 тоннадан калава ип тайёрланади. Йил охирига бориб эса корхона 3 минг тонна пахта қувватига эга бўлади.

Оббек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарши туманида бўлиб ўтган ёшлар форуми «Баркамол авлод — Ватан ғурури» деб номланди. Унда туман ҳудудида жойлашган мактаб ва коллеж ўқувчилари, ёшлар иштирок этди.

Ватан ғурури

Тадбир қатнашчилари мамлакатимизда ёш авлоднинг билим олиши, ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топиши учун катта имкониятлар яратиб берилаётгани ҳақида ғурурланиб гапирдилар.

Форум доирасида тадбир ташкилотчилари томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, иқтидорли ёшлардан 50 нафарига 100 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари, спорт анжонлари топширилди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фермага — замонавий ускуна

Компьютерлаштирилган ушбу замонавий ускуна бир-варакайга 12 говишни соғиш имкониятига эга бўлиб, экранда соғиб олинаётган сут микдори, ёғлилик даражасини кўрсатиб туради. Вақтни тежаб, маҳсулдорликни оширади.

Чорвадор ҳозир Германиядан яна 50 бош зотдор гунажин олиб келиб, қорамоллари сонини 750 бошга етказиш ҳаракатида юрибди.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ.



Низомиддин Зулунов ташкил этган «Авангард» тикувчилик цехи Андижон туманидаги Хартурм қишлоғи ёшларидан 36 нафарини иш билан таъминлади.

Тўйга етказсин

Шунингдек, туманининг Куйганёр шаҳарчаси, «Бўтақора», «Найман», «Ёрбоши» маҳаллаларида ҳам тикув цехлари ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Уларда эркаклар, хотин-қизлар ҳамда болалар учун турли андоза ва урфдаги кийим-кечақлар тикилмоқда. Айниқса, келин-куёв либослари ўзининг харидорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Арзон ва сифатли маҳаллий қадим матолардан тайёрланаётган бежирим тўй либосларига бўлажак келин-куёвлардан кўп қўйилган буюртмалар олинмоқда.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», деган сўзлариди Ўзбекистонда ёш авлод тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани бу йилдаги эзгу савъ-ҳаракатларни янги, юксак bosқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида

ёшларнинг манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти директорининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор Шухрат ФАЙЗИЕВ билан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

— Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларнинг ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро chambarchas боғланган ҳолда, тизимли, босқимча-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди.

Унга асосан, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг куйидаги устувор йўналишларида ислохотлар амалга оширилмоқда: ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш; ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни қўллаб-қувватлаш; ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга таълим бериш сифатини ошириш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш тизимини яратиш; иқтисодий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва ёшларга давлат томонидан ҳамхўрлик кўрсатиш; вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш;

баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида зарур иқтисодий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади. Шу маънода, аҳолиимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, қурашмоғимиз зарур». Шу жиҳатдан маънавий ва жисмоний баркамол авлодни волега етказиш масаласи мамлакатимиз учун умум-миллий миқёсдаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлидаги ишларни изчил амалга ошириш давлат сиёсатининг асосини ташкил этади.


Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати, биринчидан, миллати, ирки, тили, дини, иқтисодий мақоми, жинси, маълумоти ва эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида ҳамхўрлик қилиш, иқтисоддан, ёшларни ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, учинчидан, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлидаги эркин танлаб олишларига кафолат бериш, тўртинчидан, жамиятни ривожлантиришда, айнаикса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши, бешинчидан, ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги қоидаларига асосланади.

(Давоми 2-бетда).

2008 Ёшлар йили

Бир рақам шарҳи


ЧОРВАНИ КЎПАЙТИРИШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА



2008 йил 1 апрель ҳолатига кўра, республикаимизда барча манбалар ҳисобидан аҳолига қорамол 7,2 миллиард сумлик микрокредитлар ажратилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш дастури доирасида амалга оширилган чорва-тадбирлар туфайли шундай натижага эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 3 июнь куни «Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман ҳамда унинг минтақавий вакиллари фаолияти: Франция ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Ўзбекистон — Франция: ОМБУДСМАНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Франция Медиатори ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутatlари, мамлакатимизнинг бир қатор вазирилари ва идоралари, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳамда Франция Медиатори Жан-Поль Делевуа раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Рустамов, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) А. Саидов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев ва бошқалар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бо-

(Давоми 2-бетда).

Кеча куйи палатада «ЮНЕСКОнинг Бағрикенглик тамойиллари декларацияси (Париж, 1995 йил) нормаларининг Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётдаги инъикоси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

БАҒРИКЕНГЛИК — МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, диний ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда экспертлар қатнашди. Шунингдек, давра суҳбатида он-лайн тарзда, яъни интернет тармоғи кўмагида Наманган ва Бухоро давлат университетларининг профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳам жалб этилди.

Тадбирда таъкидлаганидек, Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар пировард натижада инсон ва унинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Ҳуқуқий мажмуаларимизда эса халқаро ҳужжатларда эътироф этилган нормалар ўз аксини топган.

ЮНЕСКОнинг Бағрикенглик тамойиллари декларацияси умумбашари товулини мустақамлашга йўналтирилган фундаментал халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланади. У мамлакатимизнинг кўп асрлик диний ва миллий бағрикенглик аъналарига ҳам мосдир.

— Мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган нормалар табиий уйғунлик каоб этади, — дейди Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоев. — Мустақиллик йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ 60 дан ортиқ универсал ва минтақавий ҳужжатларга қўшилиб, халқаро ҳамжамиятнинг шу соҳадаги фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ана шу фикримизнинг нечоғли тўғри эканлигини тасдиқлади.

Динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлини таъминлаш, уларга ҳурмат қилиш ота-боболаримиздан бизга қолган меросдир. — Бағрикенглик миллатимизнинг қон-қонига дегулик кетган тушунча, — дейди депутат Сарвар Абдуллаев. — Оилада, маҳаллада, умуман, бутун жамиятда ушбу умуминсоний тамойил кенг тарқалган. Бугун мамлакатимизда 16 та диний конфессия, 130 дан ортиқ миллат ва элаларнинг бир тану бир жон бўлиб истиқомат қиладигани айнан ана шу тарихий ҳақиқат маҳсулидир. Ўзбекистонда тўлган бундай ибратли тажрибани халқаро ҳамжамиятда ўрганишга қизиқишавгани ҳам бежиз эмас.

Давра суҳбатда, шунингдек, Бухоро ва Наманган давлат университетлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этиб, Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик таъминланганини таъкидладилар.

Қобил ХИДИРОВ.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Жалғас Узоқов бошлиқ «Куваниш-жарма» ирригация тизими бошқармаси жамоаси Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Қораўзақ, Кегайли ва Нукус туманлари хўжалиқларига қарашли қарийб 70326 гектар майдондаги қишлоқ хўжалиқ экинларини сув билан таъминлайди. Бу осон эмас. Айтилик, Тахтақўпир тумани хўжалиқларининг галлазорлари каналнинг бош қисмидан 58 километр узоқликда жойлашган. Агар сув таъминоти тармоқнинг энг охиридан бошланиши инобатта олинса, оби-ҳаётни далага олиб келишнинг ўзига уч кеча-кундуз вақт сарфланади.

залади, 12 та гидротехник иншоот, 14 та сув ўлчаш пости таъмирланди. Бундан ташқари, фермерлар билан ҳамкорликда ички сугориш тармоқларини тизимлаш, сув олиш қулоқларини тартибга келтириш, 5 гектар майдонга битта сувчини жалб қилиш, шу тарзда сугоришни кеча-кундуз ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилди. Натижда 150,5 километрлик ички сугориш тармоқларининг 33,4 километри қўлдан чиқарилди, фермер хўжалиқларининг 81 та сув олиш қулоғи янги ускуналар билан жиҳозланди.

Айни кунларда бошқарма жамоаси ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича белгиланган дастур асосида Қораўзақ ва Тахтақўпир туманларида иш олиб бормоқда. Бу юмушга 14 экскаватор жалб этилган. Механизаторлар вагон-уйлар, озик-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминланган. Буларнинг ҳаммаси жорий йилнинг биринчи ярми учун белгиланган вазифаларни аллақачон адо этиш имконини берди.

Шуни ҳисобга олиб, таъмирбали сувчилар ишининг кўзини билиб, фидокорона меҳнат қилиши. Ишчи гуруҳлари магистрал каналларни кеча-кундуз назорат қилиб бордилар, сувдан фойдаланувчилар ўртасида тушунтириш ишларини амалга оширидилар. Бу тадбирлар натижасида сувнинг канал охирига етиб бориш мuddати анча қисқартирилиб, 8600 гектар галлазор тўлиқ сугорилди.

Шу ўринда бу ютуқларга эришишда М.Жубанов бошлиқ «Есимобод», Д.Полванов раҳбарлигида «Ўзбекистон-Жилван» тармоқлари мутахассислари, Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари раҳбарлари, айниқса, фидокорона меҳнати учун ўтган йили «Шўхрат» медали билан тақдирланган таъмирбали экскаваторчи Жамий Хожимов сингари механизаторларнинг ҳиссаси алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

— Бошқармада 313,5 километрлик магистрал ва хўжалиқлараро сугориш тармоқлари мавжуд, — дейди Ж. Узоқов. — Улардаги 22 та

Жараён

гидротехник қурилма, 125 та сув ўлчаш постининг созлиги доимо назоратимизда. 24 та Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан тузилган шартнома мувофиқ, сув танқислигининг олдини олиш ва лимитда белгиланган сувни ўз вақтида етказиб бериш юзасидан аниқ чора-тадбирларни рўйбега чикараётимиз.

Бу чора-тадбирлар нима-лардан иборат? Аввало, 22,6 километрлик сув тармоғи то-

Сув келтирган — элда азиз, дейдилар. «Куваниш-жарма» жамоаси бундай юксак баҳога муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Хидоят АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Республика Кўчмас мулки биржаси» ЁАЖ

Бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Олмалик шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалиқ судининг 2006 йил 11 августдаги 11-06-05/5697-сонли ва 2007 йил 27 мартдаги 11-07-05/904-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Улугбек кўчаси, 5/2-кичик тумани ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 419,2 кв.м., умумий майдони 473,3 кв.м., бўлган дўкон биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 43 908 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 8 июль кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ҳуснов кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари, аҳоли диққатига!

«Sirdaryo IES»

очик акциядорлик жамияти

қўйдагиларни танлов ва шартнома асосида, келишилган нархда, пул ўтказиш йўли билан сотиб олади:

- Чорва молларини озиқлантириш учун:
 - тойланган сифатли беда;
 - маккажўхори маҳсулоти (силос).
- Барча турдаги замонавий ва янги қишлоқ хўжалиқ техникалари, ем-хашак ўриб-йиғиш машиналари.
- Замонавий сут соғиш мосламалари.

Манзил: Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри, Энергетиклар кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 8 (36 77) 64-59-43, +99 (890) 919-02-25. Факс: 8 (36 77) 64-51-30.

«Sirdaryo IES» очик акциядорлик жамияти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҲАҚАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалиқ низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа мuddатларда кўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг кам чиқимлилиги (низои ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низои Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳақамлик суди
Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси

18-ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ КОЛОНИЯСИДАГИ КЎП ТАРМОҚЛИ РЕСПУБЛИКА КАСАЛХОНАСИГА

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий яшовчи, жисмонан соғлом, 35 ёшгача бўлган, олий маълумотли, турли тоифадаги шифокорлар хизматга қабул қилинади.

Хизматга қабул қилинган ходимлар 50 ёшда нафақага чиқиш ва ички ишлар идоралари ходимларига ўрнатилган бошқа имтиёзларга эга бўладилар.

Хизматга қабул қилинган ходимларнинг ойлик маоши биринчи йилда 250 000 сўмни ташкил этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оханграбо кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефонлар: 290-83-86, 290-36-29, 290-78-14.

ТАШКИЛОТ

Motorola GP-300, GP-340, VertexStandard VX-210, Посбон (Гранит, С — 130) русумли қўлда олиб юрадиган радиостанциялар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича таклифлар киритишингизни сўрайди.

Маълумот учун телефонлар: 233-55-33, 233-44-78.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2008 йил 20 июнь кuni соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига бошланғич баҳоси пайсатирилган ҳолда қўйдаги мулклар қайтадан қўйилмоқда:

- Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 5 апрелдаги 4782/9-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 12-уй манзилидаги «Сайдқарим Умарали» МЧЖ ҳудудида сақланаётган, давлат рақами 30055-05 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «Тойота-Лексус LX-470» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 106 920 000 сўм.**

- Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 25 декабрдаги ЖСК 1-1184/2007-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманида жойлашган, «Севзор» автотранспорт воситалари жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30С19-73 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «DAEWOO LIGANZA» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 13 433 600 сўм.**

Шунингдек, 2008 йил 20 июнь кuni соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Ассоциацияси тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 19 июндаги 1-914/06-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 127-уйда жойлашган «Тошкентлиф» корхонасига тегишли ва шу манзилда сақланаётган қўйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ387 бўлган «ГАЗ-52» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 119 670 сўм.**
- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АS132 бўлган «ГАЗ-52» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 899 250 сўм.**
- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ389 бўлган «ГАЗ-5201» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 837 800 сўм.**
- 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ392 бўлган «ГАЗ-52» (махсус фургон) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 3 283 380 сўм.**
- 1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ388 бўлган «ГАЗ-93Б» (самосвал) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 548 980 сўм.**
- 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АR092 бўлган «ГАЗ-52» (вышка) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 5 157 800 сўм.**
- 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АН680 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 207 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, ҳисоб рақами 20208000804234776001га тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйдаги манзилга муражаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Ҳужаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

УЛЬЯНОВСКИЙ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Кўшимча кабинали УАЗ-39094.

УАЗ Hunter

УАЗ Patriot Limited

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

SONATA

Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

«Қақшадарё электр тармоқлари» ОАЖ томонидан газетанинг 2008 йил 22 май сонидан чоп этилган «Электр энергиясини сотишни хусусий операторга бериш танлови тўғрисида»ги эълон танлов ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилганга қадар бекор қилинади.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

вихревые СВГ.М

ТЕПЛОПРИБОР

СИБГА

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставяет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв. 6, д. 2 (Орр — метро «М. Улугбек») Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти жамоаси Энгил саноат технологияси ва дизайн кафедрасининг катта ўқитувчиси

Мавлуда ая АБДУЛЛАЕВАнинг вафоти муносабати билан унинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси институтининг Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси ўқитувчиси **Журабек Мухаммадиевич Шодиев**га онаси **Малова ШОДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

